ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ўктамжон Ғуломович Тилавов
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети, докторант
E-mail: shahobjon.k1995@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада инсониятнинг табиат ресурсларини ўзлаштириш учун антропотехноген ўзгартиришга йўналтирилган фаолият кўлами ва имкониятлари кенгайиши, ривожланган мамлакатлар концернлари, трансмсиллий компаниялари томонидан радиоактив ва заҳарли химиявий чиқиндиларни дунёдаги турли мамлакатлар ҳудудида кўмиш ва океанларга чўктиришнинг экологик барқарор ривожланишга кўрсатаётган салбий таъсири натижасида глобал халқаро низоларнинг кучаяётгани таҳлил қилинган.

Калит сўз: антропотехноген ўзгариш, глобал халқаро низолар, экологик суверинитет, экологик уруш.

SOCIAL AND LEGAL ASPECTS OF GLOBAL ENVIRONMENTAL SUSTAINABILITY

Uktamzhon Gulomovich Tilavov
National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, doctoral student
E-mail: shahobjon.k1995@gmail.com

ABSTRACT

The article analyzes the growing global conflict as a result of the expansion of human activity and the possibilities of anthropotechnogenic transformation, the disposal of radioactive and toxic chemical waste by developed countries and transnational companies in various countries and their negative impact on environmentally sustainable development.

Key words: anthropotechnogenic changes, global international conflicts, ecological sovereignty, ecological war.

КИРИШ

Инсониятнинг муайян ижтимоий макон ва тарихий вақтда халқаро экологик сиёсий муносабатларни регламентлаштирувчи халқаро экологик ҳуқуқ нормаларининг воқеликка адекватлигини таъминлаш – глобал миқёсда барқарор ижтимоий-сиёсий тараққиёт шарти ҳисобланади. Зеро, ижтимоий-экологик макон ва вақт тарихий ўлчамида – минг йиллар давомида тадрижий ривожланиш натижасида шаклланган биосфера табиий-экологик комплекси мувозанатига нисбатан, суверинитетликнинг ҳар қандай кўриниши, шартли ва нисбий характер касб этиб борган.

Бошқача айтганда, халқаро экологик муносабат субъектларининг: уруғчилик, қабилачилик муносабатлари инқирозидан – фуқаролик жамияти ва сиёсий демократия шаклланишигача; овчилик ва содда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан – урбанизациялашган индустриал-саноат инқилобигача; миллий маҳдудликдан, оломон инстинктидан – илм-фан, техника, инновацион технология, интеллектуал салоҳият, маданий муносабатлар интеграцияси ва глобаллашувигача; миллатларнинг идентификациялашиб, ўз-ўзини англашгача бўлган эволюцион ривожланиши экологик суверинитет тушунчасининг анъанавий мазмунини ҳам, шаклини ҳам, аҳамиятини ҳам ўзгартириб, глобал барқарор тараққиётнинг янги парадигмасини, мақомини шакллантирди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган глобаллашув жараёни инсон ижтимоий-сиёсий фаолиятининг барча жабҳаларини, шу жумладан халқаро экологик муносабатлар барқарорлигини таъминлашга мутасадди институтлар ташкилий асослари ва механизмларини ўзгартиришни тақозо қилмоқда. Яъни инсониятнинг табиат ресурсларини ўзлаштириш учун антропотехноген ўзгартиришга йўналтирилган фаолият кўлами ва имкониятлари кенгайиши, муқаррар равишда, давлатлар суверинитетлиги (айниқса, трансчегаравий табиий ресурслардан фойдаланиш) масаласига муносабатини ўзгартириб юбормоқда. Зеро, атмосфера, сув, тупроқ ифлосланиши, тикланмайдиган табиий ресурсларнинг камайиб кетиши, Ер юзида истиқомат қиладиган барча кишилар манфаатларига, истисносиз таъсир қилаётган ҳозирги шароитда, табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва глобал экологик барқарор тараққиётни сақлаш умуминсониятнинг стратегик вазифаси бўлиб қолди.

Айрим давлатларнинг хўжалик соҳасида табиатга “индустриал босими” кучайиши: маҳаллий, миллий, минтақавий чегаралардан чиқиб, кўп ҳолларда, экологик мувазанатга салбий таъсири глобал барқарор тараққиётни издан чиқаради. Уларни бартараф қилишга алоҳида мамлакат (ҳатто, улар гуҳи)нинг имконияти, кучи етмай қолиши жаҳон ҳамжамиятининг “миллий сиёсий

суверинитет эйфориясини” четга суриб, глобал экологик барқарор тараққиёт учун ҳамкорликда ҳаракат қилишни кун тартибига қўймоқда.

Глобал экологик барқарорликни сақлаш, нафақат илмий, техник, технологик муаммо, балки ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий муаммодир. Айрим давлатларда миллитаристик техника-технологиясини (айниқса, оммавий қирғин қуролларини яритиш индустриясини) халқаро экологик ҳуқуқий назорат институтлари ва жамоатчилик эътиборидан четда ривожлантирилиши, глобал барқарорликни сақлаш муаммосини кескинлаштиришга олиб келиши ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Муайян минтақада давлатлараро экологик сиёсий муносабатларда зиддиятли вазиятларни бартараф қилишда халқаро ҳамжамият имкониятларидан фойдаланиб, ҳатто радикал сиёсий чоралар қўллаш таклифлар билдирилганлиги экология тарихидан маълум. Масалан, 1913 йил 17-19 ноябрь кунлари БМТнинг Бернда ўтказилган халқаро Конгрессида Швейцария давлати вакили Л.Форрер: “Агар табиатни муҳофаза қилиш объекти океанлар, саҳролар, чўллар ҳеч қандай давлатга тегишли бўлмаса ёки бир неча мамлакатга тегишли (***трансчегаравий – Ў.Т.***) бўлса, уларни муҳофаза қилишда давлат ўз кучи, ҳаракати билан зарур натижаларга эриша олмаса ёки давлатнинг аралашуви ***(бошқа давлатлар – Ў.Т.)*** фуқаролари манфаатларига зарар етказса ва табиат муҳофазасига фойда келтирмаса, бундай ҳолатда бутун цивилизациялашган давлатлар ёки уларнинг гуруҳи халқаро келишувларга кўра уларни умумий талабларни бажаришга, ҳаёт тарзини қабул қилишга мажбурлашлари керак” [1], деган эди.

Шу ўринда, айрим давлатлар ёки уларнинг гуруҳлари ўртасидаги қуролланиш пойгаси, ядро ва бошқа оммавий қирғин қуролларининг яратилиши (ҳатто, локал ҳудудларда превентив синовлардан ўтказилиши ҳам), глобал экологик хавфсизликка, барқарор тараққиётга жиддий таҳдид бўлиб қолаётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, БМТнинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Махсус қўмитаси докладида бундай синовларда 10 минг тонна тротил эквиваленти қувватига тенг битта ядро зарядини портлатиш 400 дан 1300 гектаргача майдонда ўсимликларнинг тўлиқ ёки катта миқёсда йўқотилишига олиб келади. Бир минг тонна тротил эквивалентига тенг нейтрон бомбасининг 200 метр баландликда портлаши эса – 40 гектар ердаги микроорганизмларни, 100 гектардаги ҳашоратларни, 330 гектардаги ўсимликларни, 250 гектардаги сув ва қурукдикда яшовчи жониворларни ҳамда судралиб юрувчиларни, 490 гектар майдондаги кўплаб сут эмизувчилар ва қушларни йўқотиб юбориши кўрсатилган [2].

Турли урушлар, кўлами ва характеридан қатъий назар, давлатлар суверинитетлигига, экологик барқарор тараққиётга тажовузнинг намоён бўлишидир. Яъни табиий атроф-муҳит ва давлатлар экологик суверинитетлигига

энг кўп зарар урушлар туфайли етказилади. Урушлар муайян минтақада экологик мувозанатнинг таркибий элементлари флора ва фаунасига салбий таъсир кўрсатади. Масалан, ЕИ хабарига кўра, Марказий Осиёда 1 миллиард тоннадан ортиқ уран чиқиндилари мавжуд. Уч мамлакатдаги 7 та уран чиқиндиси кўмилган жой энг асосийлари ҳисобланади. Расмийлари уч мамлакат кесишган, аҳоли зич жойлашган Фарғона водийси ифлосланишининг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Булар – Қирғизистондаги Мойлисой, Шекафтар ва Мингқуш, Ўзбекистондаги Чоркесар ва Янгиобод, Тожикистондаги Истиқлол ва Деҳмой каби шаҳар ва қишлоқлардир [3].

МУҲОКАМА

Урушларнинг экологик барқарор тараққиётга таъсир оқибатлари, айниқса Жанубий Вьетнамда кўзга яққол ташланади. Умуман АҚШлик босқинчиларнинг Ҳиндихитой урушида “экологик уриш тактика”си, яъни “куйдирилган ер” тактикасидан кенг миқёсда фойдаланиши, минтақа давлатлари иқтисодиётига зарарли таъсир кўрсатишни давом эттирмоқда [4]. Келтирилган бу мисоллар, глобал барқарор тараққиётнинг давлатлар экологик суверинитетлиги масаласи билан бевосита боғланиб кетганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам, шу фикр БМТ Бош Ассамблеясининг 1981 йилдаги XXXVI сессиясида қабул қилинган “Ер табиатини ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлашда давлатларнинг тарихий жавобгарлиги ҳақида”ги резолюциясида, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 1982 йилги XXXVII сессиясида эълон қилинган “Бутунжаҳон табиат хартияси”да ҳам таъкидланган [5]. Бу ҳужжатларда халқаро муносабатлар тарихида биринчи марта: табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан Ер юзида тинчликни сақлаш; давлатлар суверинитетлигини муҳофаза қилиш билан қуролланиш пойгасига чек қўйиш; глобал экологик барқарор тараққиёти билан умуминсоният цивилизацияси натижаларини сақлаб қолиш ўртасида органик боғлиқлик борлиги очиб берилган.

Шу муносабат билан қуролланиш пойгасини бартараф қилиб, ялпи қуролсизланишга йўналтирилган халқаро шартномаларнинг давлатлар экологик суверинитетини таъминлаш ҳамда глобал экологик хавфсизлик учун катта аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар орасида “Атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовини тақиқлаш” тўғрисидаги Москва шартномаси (5 август, 1963 йил); “Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги” Шартнома (1 июль, 1968 йил); “Бактериологик (биологик) ва заҳарли қурольларни кашф қилиш, ишлаб чиқариш ва уларнинг заҳираларини тўплашни таъқиқлаш ҳамда уларни йўқотиш тўғрисидаги” Конвенция (10 апрель, 1972 йил); “Денгиз ва океанларга ва уларнинг қаърига ядро қуроли ва бошқа оммавий қирғин қурольларини жойлаштиришни таъқиқлаш тўғрисидаги”

Шартнома (7 декабрь, 1970 йил); “Табиий муҳитга ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай душманларга таъсир қилувчи воситаларни қўллашни таъқиқлаш тўғрисидаги” Конвенция (10 декабрь, 1976 йил) ва бошқа қабул қилинган халқаро ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Зеро, глобал экологик барқарор тараққиётни муҳофаза қилиш соҳасидаги кенг халқаро ҳамкорликка асос қилиб олинган бу шартномалар, давлатлар экологик суверинитет масаласи билан боғлиқ бошқа халқаро таклифлар, нафақат планета табиатини муҳофаза қилиш ҳақидаги ғамхўрлик руҳини, балки глобал экологик хавфсизлигини ва давлатларнинг экологик суверинитетлигини сақлаш учун ҳаракатни намоён қилади.

Чунки ҳозирги замонда ***глобал экологик беқарорлик*** кескинлашиб кетиши (айниқса, иқлим ўзгариши, чиқиндилар “экспансияси”, тоза ичимилик суви камёблиги, биохилма-хилликнинг “қашшоқашуви” ва бошқа) инсоният цивилизацияси тақдирига, истиқболларига бевосита даҳлдор ноанъанавий экологик муаммоларни: халқаро ҳуқуқ нормалар, умуминсоний маънавий-ахлоқий қадриятлар, демократик-гуманистик тамойиллар асосида кенг миқёсдаги: ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ижтимоий шерикчилик йўли билангина ечиш мумкинлиги, аксиоматик ҳақиқатга айланди.

НАТИЖАЛАР

Бу эса, юқорида кўрсатилган асосларга кўра, халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатлар интеграциялашуви ва глобаллашуви шароитида “умуминсоний барқарор тараққиёт” тушунчасининг: сиёсий мазмунини, ҳуқуқий мақомини, тарихий аҳамиятини белгилашда:

биринчидан, давлатларнинг легитим чегаралари доирасида табиий бойликлардан фойдаланишлари минтақадаги бошқа давлатлар ва халқлар барқарор тараққиётига салбий таъсир қилувчи омилларни ҳамкорликда бартараф қилишини;

иккинчидан, инсоният ҳаётининг асоси бўлган планета табиати – глобал экологик макон ягоналиги ва умумийлигидан: давлатлар сиёсий суверинитети, миллатлар экологик мустақиллигининг шартлилиги ва нисбийлигини эътироф этилишини;

учинчидан, ҳар қандай давлатнинг халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларида минтақавий ва глобал манфаатлар устуворлиги, муаммолар ечимида экологик толерантлик тамойилига, ўзаро ҳамкорлик, ёрдам ва ижтимоий шерикчиликка асосланиши;

тўртинчидан, инсониятнинг XX аср охири ва XXI аср бошларида дунё экологик манзарасидаги салбий ўзгаришларга масъулият билан ёндашиб, табиий ресурслардан бесамар фойдаланиш оқибатлари учун жавобгарликнинг англанилиши;

бешинчидан, мамлакатлар ва минтақаларнинг: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарорлиги, барча экологик низоларнинг тинч йўл билан бартараф этилиши – экологик суверинитет тушунчаси мазмунини белгилашда асосий тамойиллари ҳисобланади.

Зеро, давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий барқарор тараққиёти характерини табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш контекстида қарайдиган бўлсак: ***"экологик суверинитет – юридик-ҳуқуқий категория ва сиёсий-ҳуқуқий феномен сифатида, замонавий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг моҳиятидан келиб чиқиб, унинг "умумий" суверинитетлигини белгилайдиган сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими" [6]*** ҳисобланади ва моҳияти шу тизим элементларини комплекс-системали функционал таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Инсоният умумий табиий яшаш муҳитининг ***глобал экологик барқарорлиги*** нозик ва ташқи таъсирларга жуда берилувчанлигидан, муайян давлатларнинг ўз ҳудудида арзимас "соф миллий" хўжалик фаолияти натижасида минтақавий, ҳатто глобал даражадаги муаммоларни вужудга келтириши мумкин. Бу эса, трансчегаравий табиат бойликларидан фойдаланишда давлатларнинг экологик суверинитетлиги даҳлсизлигини ва глобал барқарор ривожланишини эътиборга олган ҳолда, ўзаро келишиб халқаро экологик ҳуқуқ нормалари, биосфера табиий мувозанатини сақлаш талаблари доирасида қарорлар қабул қилинишини тақозо этади. Айниқса, XX аср охирларида жаҳон сиёсий харитасидаги ўзгаришлар – қарама қарши тизимларнинг емирилиб, мустақил давлатлар вужудга келиши, уларнинг умуман суверинитетлигини, хусусан экологик суверинитетлиги масаласини кун тартибига қўйди ва халқаро ташкилотларнинг стратегик вазифаларини белгилаб бермоқда. Бунга табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланадиган нуфузли ҳукуматлараро ва жамоат ташкилотлари: "Табиат ва табиий ресурсларни қўриқлаш халқаро иттифоқи" – (ТҚХИ–МСОП); "БМТнинг табиатни қўриқлаш Дастури" – (ЮНЕП); "Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти" – (ЖССТ); "БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти – (ЮНЕСКО); "БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси" – (ЕИҚ–ЕЭК); "Халқаро денгиз ташкилоти" – (ХДТ–ИМО); "Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик" – (МАГАТЭ); "Парламентлараро иттифоқ" ва бошқа ваколатли халқаро форумларни жалб қилиш, бу қарорлар легитимлигини таъминлашда катта роль ўйнамоқда.

Ривожланиш даражаларидан, сиёсий тизимидан қатъий назар, дунё давлатларининг халқаро экологик муносабатларини глобал экологик барқарор ривожланиш тамойиллари асосида: ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш зарурияти, унинг жаҳон миқёсида мутасадди институционал тизими таркиб топишини тақозо қилади. Айиқса, экологик муносабатлар глобаллашуви

ва кескинлашган шароитда БМТнинг мутасадди органлари миссияси, жаҳоннинг индустриал-саноатлашган мамлакатлари глобал экологик барқарор тараққиёт ва давлатлар экологик суверинитетлигини ҳимоя қилишнга шарт-шароит яратишда ҳал қилувчи омил бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда халқаро экологик ҳуқуқ назариясининг йирик тадқиқотчиларидан бири – ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор Й.О.Жўраев фикрича, республикамизда “экологик суверинитет”, ҳуқуқий категория сифатида эътироф этилмаган ва “давлат суверинитети”, “халқ суверинитети”, “миллий суверинитет” тушунчалари контекстида фойдаланилади, яъни унинг умумэътироф этилган қатъий илмий мақоми белгиланмаган [7]. Лекин экологик суверинитет масаласини, умуман глобал барқарор тараққиёт, хусусан умуминсоният барқарор тараққиётининг ҳозирги замон ҳуқуқ назарияси контекстида қаралса, уни давлатларнинг: а) демаркацияси халқаро миқёсда расмий эътироф этилган легитим маъмурий чегарасида – ***ҳудудий экологик барқарорлигидан***; б) давлатчилик тузуми ва сиёсий ҳокимият субъектларининг мақомидан – ***халқаро экологик муносабатлари характеридан***; в) жамият табиий ресурслари ва ишлаб чиқаришининг экологик ривожланиш даражасининг – ***экологик потенциал имкониятлари кўрсаткичларидан***; г) давлатларнинг трансчегаравий табиий ресурслардан фойдаланишда халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланишидан – ***халқаро экологик ҳуқуқ нормалари имплементациясидан*** ажратиб кўрсатиш мумкин эмас.

ХУЛОСА

Хуллас, халқаро гуманитар ҳуқуқ таркибида экологик ҳуқуқ талабларининг давлатлар экологик суверинитетлигини муҳофаза қилишдан иборат функциясининг умуминсоний-универсал характери, барча ижтимоий-иқтисодий соҳалар барқарор ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бу функциянинг комплекс-системалилиги ва умуминсоний гуманистик-демократик характери – халқаро экологик ҳуқуқ субъектлари томонидан табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва бошқа муносабатлари: ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш фаолиятларини халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларига асосан таъминлашида намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мохаммад С.А. Международное экологическое право в исторической ретроспективе //ЕврАзЮж № 8 (39) 2011.

2. Александров В., Моисеев Н. Ядерный конфликт – глазами климатологов и математиков. // Знание – сила. – 1992. - № 2.
3. https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2018/11/15/feature-01
4. Жевлаков Э.Н. Экологические преступления (понятие, виды, квалификация). – М., 1997.
5. Официальные отчеты Генеральной Ассамблеи, тридцать седьмая сессия, Дополнение № 51, стр. 24–27.
6. Жураев Ю.А. Вопросы экологического суверинитета Республики Узбекистан. // Фалсафа ва ҳуқуқ 2013, №2, -С.59.

REFERNCES

1. Мохаммад С.А. Международное экологическое право в исторической ретроспективе //ЕврАзЮж № 8 (39) 2011.
2. Александров В., Моисеев Н. Ядерный конфликт – глазами климатологов и математиков. // Знание – сила. – 1992. - № 2.
3. Retrieved from https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2018/11/15/feature-01
4. Жевлаков Э.Н. Экологические преступления (понятие, виды, квалификация). – М., 1997.
5. Официальные отчеты Генеральной Ассамблеи, тридцать седьмая сессия, Дополнение № 51, стр. 24–27.
6. Жураев Ю.А. Вопросы экологического суверинитета Республики Узбекистан. // Фалсафа ва ҳуқуқ 2013, №2, -С.59.